



## METHODOLOGY, PROSPECTS AND PROBLEMS OF INFORMATION TECHNOLOGIES IN THE ECONOMY

Maprat Rafikovna Rasuleva

Tashkent University of Applied Sciences Applied Sciences  
Senior Teacher of the Department  
E-mail: mrasulova1964@gmail.com

Saida Iskandarovna Djuraeva

Tashkent University of Applied Sciences Applied Sciences  
Senior Teacher of the Department  
E-mail: iskandarovnasaida@gmail.com

## ИҚТИСОДИЁТДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ФАНИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ, ИСТИҚБОЛИ ВА МУАММОЛАРИ

Мапрат Рафиковна Расулева

Тошкент амалий фанлар университети амалий фанлар  
кафедраси катта ўқитувчиси  
E-mail:mrasulova1964@gmail.com

Саида Искандаровна Джураева

Тошкент амалий фанлар университети амалий фанлар  
кафедраси катта ўқитувчиси  
E-mail: iskandarovnasaida@gmail.com

### Аннотация

Мазкур мақола иқтисодиётда ахборот технологиялар фанини ўқитиш методикаси, истиқболи ва муаммолари фойдаланишнинг долзарб масалаларига бағишиланган бўлиб, унда иқтисодчи мутахассислар инновацион фаолиятга тайёрлашда илфор педагогик ва ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланиш самарадорликлари, ўқитишнинг ноанъянавий усуллари, ахборот коммуникацион технологиялари асосида иқтисодий таълимни ривожлантириш масалалари ёритилган.

**Калит сўзлар:** иқтисодий таълим, инновация, инновацион технологиялар, ахборот коммуникацион технологиялар, иқтисодчи мутахассис, ноанаънавий таълим, таълим технологияси.





Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг ўз ривожланиш йўлини танлаб ривожланиб бормоқда. Бу йўл демократик ҳуқуқий давлат, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ва кучли фуқаролик жамияти қуришга йўналтирилган кенг қўламли ислоҳотлар йўлидир. Ахборот технологиялар фанини ўқитишида жамиятнинг шаклланиши ижтимоий-иктисодий ривожланишда билимларнинг ролини тубдан ўзгартириб юборди. Замонавий шароитларда асосий иқтисодий фаолият тури бўлиб, ахборотларни ишлаб чиқиш ва иқтисодиётни самарали амал қилиши учун ундан фойдаланиш хисобланади. Бунда асосий ишлаб чиқариш омили бўлиб билимлар хисобланади ва бу билимлар таълим тизими орқали етказиб берилади. Замонавий ўқув-тарбиявий жараёни асосида таълим олувчи шахсини баркамол ривожлантириш концепцияси ётади. Мазкур муаммоларни ҳал қилишда ахборот технологиялар фанини ўқитишида таълим муассасаларининг энг яхши амалиёти асосида ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида стратегик ва лойиҳа бошқаруви, менежмент, маркетинг бўйича илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишни ташкил қилиш устувор йўналиши белгиланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4699-сонли Қарори қабул қилинган. Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни янада ривожлантиришнинг асосий вазифаларидан бири бу, таълим тизимининг барча босқичларида рақамли технологияларни кенг жорий этиш ва замонавий иқтисодиёт учун зарур бўлган рақамли билимларнинг даражасини ошириш, таълим инфратузилмасини такомиллаштириш, шунингдек, «Беш ташаббус» лойиҳасини амалга ошириш доирасида 2022 йилга қадар республиканинг барча ҳудудларида рақамли билимларга ўқитиши марказларини очишидир.

### **Иқтисодиётда ахборот технологиялар фанини ўқитиши методикаси**

Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг тадрижий ривожланиши ва иқтисодиётида кечеётган интеграциялашув жараёнлари мутахассислардан иқтисодий билимларга эга бўлиш билан бир қаторда ахборот технологиялар фанини ўқитишида, унинг обьекти ва субъектлари, жорий қилиш тамойиллари, бу борада жаҳон такомиллаштирилган воситалари, уларни бевосита молиявий жараёнларга қўллаш ҳақидаги кенг қўламли билимлар ва бевосита турли русумдаги компьютерларда ишлаш малакаларига эга бўлишна





тақозо этади. Ахборот технологиялар фанини ўқитишида ахборот-коммуникация ва интернет технологияларидан фойдаланиш жараёни ўқувчиларнинг қизиқувчанлигини, мустақил ишларнинг самарадорлигини оширади. Ахборот-коммуникация ва интернет технологияларидан фойдаланиш билан биргаликда таълим соҳасида, ўқувчиларнинг ўқиш ва ижодкорлигида янги имкониятларни тақдим этади. Илк бор таълимда ахборот технологиясини қўллада шахс бўлажак касбининг асосий инструменти бўладиган вазият вужудга келади. Ахборот технологиялар фанини ўқитишида ахборот-коммуникация ва интернет технологияларидан фойдаланишининг мақсади бир томондан талабаларга ахборот технологиялари орқали таълим бериш имкониятларини ўргатиш, иккинчи томондан таълимда ахборот технологиясининг аппарат инструментал ва дастурий воситалари билан танишишдан иборат.

Юқоридаги ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар асосида ахборот технологиялар фанини ўқитишида инновацион ва ахборот коммуникацион технологияларидан фойдаланиш бугунги таълим тизими олдида турган долзарб масалалардан ҳисобланади. Иқтисодий таълимда инновацион ва ахборот коммуникацион технологияларидан фойдаланиш масалалари ҳусусида Республика ва хориж иқтисодчи, педагог ҳамда ахборот коммуникацион технологиялар соҳаларида фаолият олиб бораётган бир қатор олимларнинг илмий тадқиқот ишларида учратиш мумкин. Хусусан, академик С.Ғуломов, Б.Бегалов, Д.Тожибоева, М.Ҳакимова, Н.Файзуллаева, И.Мамажонов, С. Ҳасанов, Ж. Йўлдошев, Б.Сафаров, Г.Жуков, П.Матросов, С.Каплан, П.И.Пидкасистого каби олимларларнинг илмий тадқиқот ишларида инновацион ва ахборот технологиялар масалалари ёритилган. С.Ғуломов, Б.Бегаловларнинг “Информатика ва ахборот технологиялари” номли дарслигида таълим тизимида ахборот технологиларидан самарали фойдаланиш, масофавий таълим ва нинг афзалликлари кабиларга эътибор қаратилган бўлса, Д.Тожибоева “Иқтисодий педагогика” ўкув қўлланмасида иқтисодий фанларни ўқитишининг шакл, метод ва воситаларига эътибор берилган. Шунингдек, М.Ҳакимова, Д.Файзуллаеваларнинг “Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат” ўкув-услубий мажжмуаси ҳамда Н.Файзуллаева, И.Мамажоновларнинг “Касбий таълим услубиёти. Ўқитувчининг нутқ маданияти” ўкув қўлланмасида иқтисодий фанларни ўқитиши методикаларининг муҳим жиҳатлари очиб берилган. С.Ҳасанов, Ж.Йўлдошевларнинг “Педагогик технологиялар” номли ўкув қўлланмаси бевосита иқтисодий таълимнинг сифат ва самарадорлигини оширишга хизмат





қилувчи замонавий педагогик ва ахборот технологиялари билан боғлиқ масалалар кўтарилиган. Б.Сафаровнинг “Иқтисодий таълимда инновацион ва замонавий таълим технологияларидан фойдаланишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги мақоласида иқтисодий таълимнинг долзарб муаммолари ўрин олган.

Шу билан бирга Г.Жуков, П.Матросов, С.Капланларнинг “Основы общей и профессиональной педагогики” номли ўқув қўлланмасида педагогик технологияларнинг асосий элементлари очиб берилган. Маълумки, талабани шахс, мутахассис, фуқаро сифатида шакллантириш олий таълимнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Талаба мустақил фикрлашга, изланишга, фан, техника, маданият ва жамиятдаги фундаментал ва ҳаётий амалий муҳим муаммоларни ҳал этиш жараёнидаги мулоқотга тайёр бўлиши керак. Бундай талаб замонавий меҳнат бозори учун рақобатбардош битирувчиларни тайёрлашдаги муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифа ҳисобланади. Ҳозирги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган корхона ва ташкилотларда танқидий фикрлаш қўнималарига эга бўлган юқори малакали мутахассисларга эҳтиёж ортиб бормоқда. Ҳозирги вақтда таълим сиёсати ва таълим тизимида жиддий ўзгаришларни заруратини белгилаб берувчи жаҳон ривожланишидаги қўйидаги умумий тенденцияларни эътиборга олиши лозим:

- жамият ривожланиши суръатларининг тезлашуви;
- ахборотлашган жамиятга ўтиш, глобаль муаммоларнинг вужудга келиши ва ўсиши;
- малакасиз ва паст малакали меҳнат соҳасининг қисқариши, бандлик соҳасида чуқур тузилмавий ўзгаришлар;
- жамиятнинг иқтисодий ривожланишида инсон капитали ролининг ошиб бориши.

Таълим тизими – асосий ижтимоий институтлардан бири, шахс шаклланишининг муҳим соҳаси, таълим муассасалари ва уларни бошқарув органларининг тарихий шаклланган тизими бўлиб, ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш, мустақил ҳаётга ва қасбий фаолиятга тайёрлаш ҳамда уларнинг таълимга бўлган индивидуал эҳтиёжларини қондириш мақсадларига хизмат қиласи. Таълим тизимини модернизация қилишнинг устувор йўналишларидан бири ва муҳим вазифа бўлиб – мазкур тизимни бошқариш моделини модернизация қилиш ҳисобланади. Замонавий шароитларда таълимни бошқариш – бу биринчи навбатда таълимни ривожланиш жараёнини бошқариш ҳисобланади. Таълим статистикаси ва таълим сифат





кўрсаткичларининг ягона тизимини ҳамда таълимни мониторинг қилиш тизимини яратиш зарур бўлади.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5349-сонли Фармони. <https://www.lex.uz/docs/3564970>
2. Tukhtabaev, J. S., Botirov, E. X., Xasanov, N., Uktamov, K. F., & Rakhimov, I. Prospects for the establishment and development of fat clusters in food safety.[https://scholar.google.com/citations?view\\_op=view\\_citation&hl=ru&user=YSqCP9oAAAAJ&cstart=20&pagesize=80&citation\\_for\\_view=YSqCP9oAAA AJ:TFP\\_iStosucC](https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=YSqCP9oAAAAJ&cstart=20&pagesize=80&citation_for_view=YSqCP9oAAA AJ:TFP_iStosucC)
3. Faiziev Rabim Alikulovich. The role of econometric modeling in ensuring sustainable economic growth of the country. YOUTH IN SCIENCE: NEW ARGUMENTS Collection of scientific papers of the IV International Youth Scientific Conference. Rep. ed. A.V. Gorbenko. 2018. <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=32743661>
4. To'xtaboev, J., Razakova, B., & Uktamov, H. (2020). The role of the digital economy in ensuring the economic security of the country. Scienceproblems. uz, 1(1),7-7. [https://scholar.google.com/citations?view\\_op=view\\_citation&hl=ru&user=YSq CP9oAAAAJ&cstart=20&pagesize=80&citation\\_for\\_view=YSqCP9oAAAAJ:isC 4tDSrTZIC](https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=YSq CP9oAAAAJ&cstart=20&pagesize=80&citation_for_view=YSqCP9oAAAAJ:isC 4tDSrTZIC)
5. Uktamov, X. (2020). Theoretical foundations of the organization of economic security of enterprises. Archive of scientific researches, 34.[https://scholar.google.com/citations?view\\_op=view\\_citation&hl=ru&user=Y SqCP9oAAAAJ&cstart=20&pagesize=80&citation\\_for\\_view=YSqCP9oAAAAJ:q jMakFHDy7sC](https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=Y SqCP9oAAAAJ&cstart=20&pagesize=80&citation_for_view=YSqCP9oAAAAJ:q jMakFHDy7sC)
6. Uktamov, X. (2020). Mechanisms of economic security of enterprises. Scientific research archive, 34. [https://scholar.google.com/citations?view\\_op=view\\_citation&hl=ru&user=YSq CP9oAAAAJ&cstart=20&pagesize=80&citation\\_for\\_view=YSqCP9oAAAAJ:WF 50mc3nYNoC](https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=YSq CP9oAAAAJ&cstart=20&pagesize=80&citation_for_view=YSqCP9oAAAAJ:WF 50mc3nYNoC)
7. Khayrullo Nasrullayevich Khasanov, Dinora Alisherovna Baratova, Khusniddin Fakhreddinovich Uktamov, Dildora Bokhodirovna Abdusattarova., Improving the Practice of Attracting Financial Resources from the International Capital Market to the Corporate Sector of the Economy. ICFNDS 2021: The 5th International





Conference on Future Networks & Distributed Systems December 2021 Pages 718–727. <https://doi.org/10.1145/3508072.3508213>

8. Abdusamat ugli Dadabaev, U., Faxriddinovich Uktamov, K., Abdurakhimovich Isadjanov, A., Rustamovich Sodikov, Z., & Sherkulovna Batirova, N. (2021, December). Ways to Improve Integration of Uzbekistan in Global Financial Services with the Participation of Takaful Companies in the Conditions of Development of the Digital Economy. In The 5th International Conference on Future Networks & Distributed Systems (pp. 440-446).
9. Khayrullo Nasrullahovich Khasanov, Dinora Alisherovna Baratova, Khusniddin Faxriddinovich Uktamov, Sardor Alisher o'g'li Djuraev., Developing Attraction of Financial Resources from the International Capital Market to the Corporate Sector of the Economy with the Help of it Technologies. The 5th International Conference on Future Networks & Distributed Systems ICFNDS 2021: The 5th International Conference on Future Networks & Distributed Systems December 2021 Pages 755–768. <https://doi.org/10.1145/3508072.3508220>.
10. Husniddin Fakhriddinovich Uktamov. The role of the chemical industry in the economy of Uzbekistan. National development and innovations in new Uzbekistan 9-14.[https://scholar.google.com/citations?View\\_op=view\\_citation&hl=ru&user=YSqCP9oAAAAJ&cstart=20&pagesize=80&citation\\_for\\_view=YSqCP9oAAAAJ:RHpTSmoSYBkC](https://scholar.google.com/citations?View_op=view_citation&hl=ru&user=YSqCP9oAAAAJ&cstart=20&pagesize=80&citation_for_view=YSqCP9oAAAAJ:RHpTSmoSYBkC)
11. Uktamov, X. F. (2022). Ways to ensure the economic security of small business and private entrepreneurship. Archive of scientific researches, 2 (1). taken from <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/2284>
12. Uktamov, X. (2020). Ways to ensure the economic security of industrial enterprises. Arxiv nauchnyx issledovaniy, 35. [https://scholar.google.com/scholar?oi=bibs&hl=ru&ctes=3984789824104003839&as\\_sdt=5](https://scholar.google.com/scholar?oi=bibs&hl=ru&ctes=3984789824104003839&as_sdt=5)
13. Uktamov, X. F. (2022). Assessing the economic security of small business and private enterprise in the context of global economic development. Archive of scientific researches, 2 (1).
14. Arif Sari, Walid Kamal Abdelbasset, Himanshu Sharma, Maria Jade Catalan Opulencia, Mahrad Feyzbash, Azher M Abed, Shaymaa Abed Hussein, Bashar S Bashar, Ali Thaeer Hammid, AS Prakaash, Khusniddin Fakhriddinovich Uktamov A novel combined power generation and argon liquefaction system; investigation and optimization of energy, exergy, and entransy phenomena. Journal of Energy Storage. Volume 50, June 2022, 104613





WEB OF SCIENTIST: INTERNATIONAL

SCIENTIFIC RESEARCH JOURNAL

ISSN: 2776-0979, Volume 3, Issue 6, June, 2022

[https://doi.org/10.1016/j.est.2022.104613.](https://doi.org/10.1016/j.est.2022.104613)

<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S2352152X22006296>

15. Ruijuan Li, Jalil Manafian, Holya A. Lafta, Hawraa A. Kareem, Khusniddin Fakhreddinovich Uktamov and Mostafa Abotaleb. The nonlinear vibration and dispersive wave systems with cross-kink and solitary wave solutions. International Journal of Geometric Methods in Modern Physics.  
<https://doi.org/10.1142/S0219887822501511>  
<https://www.worldscientific.com/doi/10.1142/S0219887822501511>



Website:

<https://wos.academiascience.org>

1816